

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ГАНИЕВ ОРИФЖОН КУРБАНОВИЧ

**КУПРАТЛАР ТУННЕЛ СПЕКТРЛАРИ ВА ИККИ ЎЛЧАМЛИ ЭЛЕКТР
ЎТКАЗУВЧАНЛИГИНИНГ ПОЛЯРОНЛИ ВА КЎПТИРҚИШЛИ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
физико-математическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
physical and mathematical sciences**

Ганиев Орифжон Курбанович

Купратлар туннел спектрлари ва икки ўлчамли электр
ўтказувчанлигининг поляронли ва кўптирқишли хусусиятлари 3

Ганиев Орифжон Курбанович

Поляронные и многощелевые особенности туннельных спектров и
двумерной электрической проводимости купратов 28

Ganiev Orifjon Kurbanovich

Polaronic and multi-gap peculiarities of tunneling spectra and two-
dimensional electrical conductivity of cuprates 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 61

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ГАНИЕВ ОРИФЖОН КУРБАНОВИЧ

**КУПРАТЛАР ТУННЕЛ СПЕКТРЛАРИ ВА ИККИ ЎЛЧАМЛИ ЭЛЕКТР
ЎТКАЗУВЧАНЛИГИНИНГ ПОЛЯРОНЛИ ВА КЎПТИРҚИШЛИ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.2.PhD/FM362 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.inp.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Явидов Баҳрам Янгибаевич

физика-математика фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Хидиров Ирисали

физика-математика фанлари доктори,
профессор

Расулов Рустам Явкачович

физика-математика фанлари доктори,
профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон Давлат университети

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Улуғбек қўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-41; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100214, Тошкент шаҳри, Улуғбек қўрғони, ЯФИ. Тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2020 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “ ____ ” _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

М. Ю. Ташметов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси ф.-м.ф.д., профессор

С.Б.Игамов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

И. Нуриддинов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда юқори ҳароратли ўтаўтказувчан (ЮХЎЎ) купратларнинг кам¹ ва оптимал² легирлаш режимларида уларнинг транспорт хусусиятларини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Бунга сабаб, ЮХЎЎ купратларнинг электр хусусиятлари оддий ўтаўтказгичларнинг бундай хусусиятларидан кескин фарқ қилувчи турли хил аномалияларнинг намоён бўлишидир. Ўтаўтказувчанликга ўтиш ҳарорати T_c дан юқорида купратларнинг транспорт хусусиятларини ўрганиш, уларнинг юқори ҳароратли ўтаўтказувчанлик табиатини аниқлашга имкон бериши мумкин. Шу муносабат билан, ток ташувчи транспорт ҳодисаларини, хусусан, ўтаўтказгичларнинг нормал ҳолатидаги электр ўтказувчанлигини ўрганиш ЮХЎЎ тизимлари физикасининг марказий йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, кам легирлаш режимларида купратларнинг ғайриоддий ва ноаниқ транспорт хусусиятлари, купратлар панжарасининг CuO_2 текислигидаги (ёки ab текисликдаги) солиштирма қаршилиқлар ρ_{ab} нинг ҳароратга боғлиқлиги ва ρ_{ab} нинг наъмуналар легирлаш даражасига характерли боғлиқлигининг мавжудлигидир. Ушбу ЮХЎЎ материалларининг энг ғайриоддий хусусияти уларнинг псевдотирқиш хусусияти бўлиб, у экспериментал равишда кузатиладиган кўплаб эффектларда, хусусан, туннел эффектларида ҳам нормал ва ҳам ўтаўтказувчан ҳолатларида ўзини намоён қилади.

Сўнги йилларда жаҳон амалиётида ЮХЎЎ тизимлар физикасидаги энг муҳим муаммолар, булар кам легирланган купратларда псевдотирқиш хусусиятлари (яъни Ферми сатҳи яқинидаги ҳолатлар зичлигининг камайиши билан боғлиқ псевдотирқиш ҳодисалари) ва ЮХЎЎ–диэлектрик–нормал метал (S–I–N) контактлари орқали аномал туннел ўтиш муаммоларидир. Бундан ташқари, бурчак ўлчамли фотоэмиссион спектроскопия (ARPES), сканерловчи туннел микроскопия (STM) ва спектроскопия (STS) бўйича ўтказилган тажрибалар кучли электрон-фонон ўзаротаъсирлари, шунингдек поляронлар ва биполяронларнинг мавжудлигини аниқ кўрсатди. Шунингдек, ушбу тажрибалар, ЮХЎЎлар номуносив тизимлар эканлигини ва номуносив тирқишли тузилишлар туннел спектрларига кучли таъсир этишини кўрсатди. Туннел спектрининг умумий шакли ҳам жуда баҳсли ва шунинг учун баъзи купратлар ҳақида билиш, бизга юқори ҳароратли ўтаўтказувчанлик механизмларини тушуниш имконини беради.

Мамлакатимизда материалшунослик ривожланишида ва унинг кенг амалий қўлланилиш характерига эга бўлган фундаментал тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда, бу эса купратли ўтаўтказгичлар бўйича конкрет тажрибаларни тушунтириш учун муҳим аҳамият касб этади. У 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹Купратларнинг кам легирлаш режими – бу купратларнинг шундай легирлаш режимики, бунда ковак ташувчилари концентрацияси $p \sim 0.05 - 0.15$ бўлади.

²Купратларнинг оптимал легирлаш режими – бу купратларнинг шундай легирлаш режимики, бунда ковак ташувчилари концентрацияси $p \sim 0.15 - 0.17$ га тенг бўлади.

Ҳаракатлар стратегиясида¹ акс эттирилган. Легирилган купратларнинг нормал ҳолатдаги икки ўлчамли ўтказувчанлик механизмларини назарий ўрганиш, ЮХЎЎ материалларнинг нафақат фундаментал, балки амалий муаммоларини ҳал қилиш учун жуда зарурдир. Хусусан, ЮХЎЎ материаллардаги полярон ҳамда кўптирқишли хусусиятларни ва S–I–N контактлари орқали ғайриоддий туннел ўтишларни ўрганиш, кучли корреляцияланган электрон тизимлар физикасининг фундаментал муаммоларини ҳал қилиш учун жуда зарурдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сонли “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли “Фанлар академияси фаолиятини янада такомиллаштириш, илмий ишларни ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энерготехкорлик ва муқобил энергия манбалари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Электрон тузилмалари, транспорт хусусиятлари, микроскопик жуфтлашиш механизми, псевдотирқиш физикаси, тирқиш номутаносиблиги ва купратли ўтаўтказгичлар ва бошқа шунга ўхшаш бирикмалардаги туннел характеристикаларини тажрибавий ва назарий жиҳатдан ўрганиш бўйича дунёнинг етакчи олимлари томонидан тадқиқотлар олиб борилмоқда, масалан, швейцариялик (Ø. Fischer, Ch. Renner, M. Kugler, I. Maggio-Aprile, C. Berthod), америкалик (P.W. Anderson, D. Emin, T.P. Devereaux, A. Chubukov, A. Bansil, J. Hoffman, A. Yazdani, A.C. Fang, J.C.S. Davis, K. McElroy, I. Vishik, E. Hudson), англиялик (A.S. Alexandrov, A. Carrington, J.R. Cooper, A.P. Mackenzie, N.E. Hussey, J.W. Loram, J.L. Tallon), канадалик (A. Damascelli, A. Kapitulnik), белгиялик (J.T. Devreese), франциялик (J. Ranninger, W. Sacks, T. Cren, D. Roditchev), япониялик (H. Eisaki, S. Uchida, Y. Koike, S. Ono, Y. Ando, M. Ido, A. Matsuda, T. Kato, R. Sobota) ва бошқалар. Шунингдек, ўзбекистонлик олимлар (С. Джуманов, Б.Я. Явидов, П.Ж. Байматов, Б. Абдуллаев) ҳам купратли ўтаўтказгичларнинг турли хил электрон хусусиятларини ва юқори ҳароратли ўтаўтказувчанлик механизмини тушуниш учун бир қатор тадқиқотларни ўтказдилар.

¹2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”даги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ҳозирги вақтда ЮХЎЎ нинг бир нечта назарий моделлари мавжуд, булар Гинзбургнинг экситон модели, Лафлиннинг анион модели, Хаббард модели, Холстейн-Хаббард модели, Мотт-Хаббард модели, Андерсоннинг резонансли валент боғланишлар модели, Ландаунинг ферми-суюқлик назарияси, Варманинг маргинал ферми-суюқлик модели, Пайнснинг деярли антиферромагнит ферми-суюқлик модели, ташувчиларнинг T_c дан юқорида ўтаўтказувчанлик флуктуациясини ҳисобга олувчи прекурсив БКШ-симон жуфтлашиш моделлари, кичик биполяронлар ўтаўтказувчанлик модели ва бошқалар. Купратларни назарий ўрганиш учун таклиф қилинган моделларнинг аксарияти ўзаро таъсирнинг муайян доминант ролига асосланган. Кўплаб экспериментал маълумотлар шуни кўрсатадики, электрон-фонон ўзаро таъсири ЮХЎЎ купратларда кучли ва бошқа ўзаро таъсир турларига қараганда каттароқ катталиқдаги тартибдир ҳамда купратли ўтаўтказгичлардаги заряд ташувчилар поляронлар, полярон купер жуфтлари (ёки биполяронлар) экан. Шу муносабат билан, полярон ёндашуви асосида тўпланган тажрибавий маълумотларни шарҳлаш ва назарий жиҳатдан изоҳлаш зарурати мавжуд.

Ҳозирги вақтда ушбу купратларда $\rho_{ab}(T)$ нинг ғайриоддий метал ва диэлектрик хусусиятларини ҳар хил легирлаш даражаларида тушунтирувчи қониқарли миқдорий назария мавжуд эмас. Бундан ташқари, ЮХЎЎ купратларнинг туннел спектридаги чўққи-ботиқ-қавариқ хусусиятлари, елкасимон хусусиятлар, ўтказувчанлик чўққиларининг асимметрияси, тирқишнинг номутаносиблиги ва бошқа характеристикаларнинг пайдо бўлиш сабаблари ҳам мунозарали мавзулар бўлиб қолмоқда. Муаммонинг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, биз легирланган купратли ўтаўтказгичларнинг нормал ҳолатидаги планар солиштирма қаршилиқнинг аномал хусусиятини тушунтириш ва кўплаб эффектларнинг туннел спектрларига таъсирини тафсифлаш учун ток ташувчилар транспорти ҳамда S-I-N контактлари орқали квазизарралар туннелланишининг турли хил мумкин бўлган механизмларини полярон ёндашуви доирасида ўрганишга ҳаракат қилдик.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти илмий-тадқиқотлар режасининг Ф2-ФА-Ф070 «Нормал ҳолатдаги купратли юқори ҳароратли ўтаўтказгичлар $YBa_2Cu_3O_{7-\delta}$ нинг ғайриоддий транспорт, иссиқлик ва эластик хусусиятлари» (2007-2011), Ф.2-12 «Кучсиз легирланган купратлар электрон тузилишида псевдотирқишларнинг ҳосил бўлиш механизми ва уларнинг ўтаўтказувчанликга ўтиш температурасидан юқорида купрат-металл контактларнинг туннел характеристикаларида намоён бўлиши» (2012-2013), Ф2-ФА-Ф120 «Кичик ўлчамли юқори ҳароратли ўтаўтказгичлар, яримўтказгичли гетеротузилишлар, металллар ва уларнинг оксидларининг электрон хусусиятлари ва радиацион модификацияси» (2012-2016) ва ОТ-Ф2-14 «Кучли ўзаро таъсирлашувчи квант системаларининг коллектив ва микроскопик хоссаларини тадқиқ этиш» (2017-2020) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади купратли ўтаўтказгилар ва S–I–N туннел контактларида заряд узатиш жараёнларининг қонуниятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

купратли ўтаўтказгичларнинг нормал ҳолатидаги катта полярон ва полярон купер жуфтларининг транспорт ҳодисасини тавсифлаш учун модификацияланган Больцман кинетик тенгламаларини олиш;

ўтаўтказувчан купратларда псевдотирқиш ҳолатига ўтиш температурасидан юқорида ҳамда пастда заряд таъшувчиларнинг ҳаракатчанлигини ҳисоблаш;

релаксация вақти яқинлашишида модификацияланган Больцман кинетик тенгламалари ва кенгайтирилган БКШ-симон моделдан фойдаланилган ҳолда электр ўтказувчанликни, шунингдек солиштирма қаршилик ҳамда Холл коэффициентини ҳисоблаш;

T_c дан юқорида купратларнинг *ab*-текисликдаги солиштирма қаршилик ва Холл коэффициентининг температурага боғлиқлиги ҳамда барча легирлаш даражалардаги аномалияларини аниқлаш;

ҳар хил туннел жараёнларига мос келадиган умумий туннел токи ва дифференциал ўтказувчанлик учун аналитик ифодаларни олиш, шунингдек ЮХЎЎ–диэлектрик–нормал металл контактларининг туннел характеристикаларини аниқлаш;

ЮХЎЎлар туннел спектрларининг U- ва V шаклли тирқишости хусусиятлари, ўтказувчанлик чўққиларининг асимметрияси, чўққи-ботиқ-қавариқ тузилишлари ва асосий ўтказувчанлик чўққилари ичидаги елкасимон хусусиятлари каби асосий хусусиятларини тушунтириш;

псевдотирқишнинг шаклланишида ҳамда купратли ўтаўтказгичлар туннел спектрларида полярон эффектларининг ролини, шунингдек ҳар-хил температураларда ва легирлаш даражаларида кўптирқишли (яъни номутаносиб тирқишлар) эффектларнинг купратли ўтаўтказгичлар туннел спектрларига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида поляронлар ва биполяронлар, юқори ҳароратли ўтаўтказувчан купратлар, S–I–N контактлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети заряд ташувчиларнинг акустик ва оптик фононларда сочилиши, CuO_2 текисликларида катта поляронларнинг купер жуфтлашиши, купратларнинг нормал ҳолатидаги метал ва нометал ўтказувчанлик, S–I–N контакти орқали квазизарраларнинг туннелланиш жараёнлари ва туннел спектрларининг характеристикалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Иккиламчи квантлаш усуллари, вариацион усул, кучли боғланиш усуллари, бозонлар ва фермионларнинг ўртача майдон назарияси усуллари, кенгайтирилган БКШ-симон модел, ўртача майдон тенгламаларини ечиш учун юқори аниқликка эга бўлган сонли усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

купратларда заряд ташувчилар ҳаракатчанлигининг температурага номонотон боғлиқлиги купратларнинг нормал ҳолатида БКШга ўхшаш

псевдотирқиш режимига ўтиш ва нокогерент полярон купер жуфтларининг ҳосил бўлиши туфайли юзага келиши аниқланган;

биринчи маротаба полярон ёндошуви асосида қатламли ўтаўтказгичларнинг псевдотирқиш ҳолатига ўтиш температурасидан юқорида ва пастда металл ўтказувчанлиги ҳамда ушбу материалларнинг псевдотирқиш температурасидан пастда нометалл ўтказувчанлиги тушунтирилган;

S–I–N контакти орқали квазизарраларнинг туннелланишини яъни мусбат кучланишда металдан ЮХЎЎга электронларнинг туннелланиши ва манфий кучланишда ЮХЎЎдан нормал металга ковакли катта поляронларнинг, ҳам эркин, ҳам полярон купер жуфтларининг диссоциацияланиши натижасида пайдо бўладиган туннелланишни тавсифловчи назарий модел таклиф қилинган;

биринчи маротаба полярон ва кўптирқиш эффектларининг S–I–N контактлар орқали квазизарраларнинг туннел механизмларига сезиларли таъсир этиши ҳамда турли купратлардаги туннел спектрларининг ғайриоддий хусусиятлари учун масъул эканлиги кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

полярон модели доирасида квазизарраларнинг туннел механизмлари ва ҳар хил ҳарорат ва легирлаш даражасидаги купратларнинг *ab*-текислигида қаршилиқнинг номонотон хусусиятларини тушунтириш учун назарий ёндашув ишлаб чиқилган;

натижавий туннел тоқлар ва дифференциал ўтказувчанлик учун, шунингдек турли туннел характеристикаларни тушунтириш учун аналитик ифодалар олинган;

текисликдаги солиштирма қаршилиқни аниқлашда поляронлар ва псевдотирқиш ҳолатининг роли, шунингдек купратларнинг туннел спектрларида кўптирқишли эффектларнинг роли аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги конденсирланган ҳолат ва назарий физиканинг замонавий усуллари, олинган натижаларни батафсил солиштирилганда тажриба натижалари билан мувофиқлиги, ҳамда квазизарралар туннелланиш жараёнларининг асосий принципларига ва купратли ўтаўтказгичларнинг икки ўлчовли ўтказувчанлик хулосаларига мослиги, шунингдек юқори самарали алгоритмлар ва сонли усулларнинг қўлланилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Натижаларнинг илмий аҳамияти материянинг псевдотирқиш ҳолати ҳақидаги фундаментал тасаввурларни ва ўтаўтказувчан ҳолатига ўтиш ҳароратидан юқорида S–I–N контаклари орқали янги туннел ўтишларни, шунингдек амалий материалшунослиқни ривожлантиришдан иборат. Бундан ташқари, олиб борилган тадқиқотлар натижалари купратли ўтаўтказгичларнинг нормал ҳолат ҳодисаларини чуқурроқ тушунишга, купратларнинг ўтаўтказувчанлик табиатини, псевдотирқиш ҳодисаларини ва S–I–N контактларининг туннел характеристикаларини бошқача нуқтаи назардан талқин қилишга имкон беради.

Натижаларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, легирланган купратли ЮХЎЎ бўйича олинган натижалардан, юқори ҳароратли ўтаўтказувчанлик назариясини ривожлантириш, купратларнинг псевдотирқиш ҳолатидаги электрон тузилишини ҳисоблаш, S–I–N контактларининг туннел характеристикаларини ҳисоблаш ва такомиллаштирилган электрон хусусиятларга эга ЮХЎЎ материалларини яратиш учун фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Купратларнинг икки ўлчамли электр ўтказувчанлиги ва туннел спектрларининг полярон ва кўптирқишли хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

купратли ўтаўтказгичлардаги заряд ташувчилар ҳаракатчанлигининг ҳароратга номонотон боғликлиги учун полярон эффектларининг ролини аниқлаш бўйича олинган натижалар хорижлик тадқиқотчилар томонидан халқаро илмий журналларда (Journal of the Physical Society of Japan **88**, 064711, 2019; Physica B: Condensed Matter **548**, 58-70, 2018; Pramana – Journal of Physics **91**, 84, 2018) ҳар хил легирлаш даражаларида Bi-2212 монокристалларининг электрон тузилиши ва фазавий ҳолатини ўрганиш учун фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши номутаносиб купратларда заряд узатиш табиатининг моҳиятини тушунтириш имконини берган;

T^* дан юқорида ва пастда метал ўтказувчанликни ҳамда T^* дан пастда нометал ўтказувчанликни, шунингдек легирланган купратларнинг нормал ҳолатида Холл коэффицентини ўрганишда поляронлар тасаввури доирасида олинган натижалар чет эллик тадқиқотчилар томонидан (International Journal of Modern Physics B **29**, 1550180, 2015; Physica B **457**, 113–116, 2015; Applied Physics Research **7**, No. 4, 2015; Physica C **524**, 18–23, 2016; Current Applied Physics **16**, 931-938, 2016; Low Temperature Physics **44**, 81 (2018); Physica Scripta **94**, 055803, 2019; Journal of the Physical Society of Japan **88**, 064711, 2019; Applied Sciences **10**, 2286, 2020) полярон модели доирасида легирланган купратли бирикмалар транспорт хусусиятларини ўрганишнинг истиқболли босқичи сифатида фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши легирланган купратларнинг нормал ҳолати ($T^* > T_c$) да пайдо бўладиган псевдотирқишнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш имконини берган;

S–I–N контактлари орқали квазизарраларнинг туннелланишини тушунтириб берадиган, шунингдек номутаносиб купратли ўтаўтказгичларнинг туннел спектрларини етарли даражада тавсифловчи модел хорижлик олимлар томонидан (International Journal of Modern Physics B **29**, 1550180, 2015; Physics Letters A **381**, 2731-2735, 2017; Physica Scripta **94**, 055803, 2019; Journal of the Physical Society of Japan **88**, 064711, 2019) номутаносиб купратли ўтаўтказгичлар реал фазосидаги полярон (биполярон) ларнинг жуфтлашиши натижасида юзага келадиган, катта ўтаўтказувчан тирқишли ўтаўтказувчан токининг оқишини тадқиқ қилишда фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши кўптирқишли картина, шунингдек, номутаносиб купратлардаги туннел характеристикаларнинг асосий хусусиятларини тушуниш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 9 та халқаро ва республика илмий амалий анжуманларида ва халқаро мактабларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси доирасида жами 17 та илмий иш нашр этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шулардан 6 таси ҳорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иккита иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 141 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси муҳокама қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган. Диссертация ишининг апробацияси ҳамда ишнинг ҳажми ва тузилиши ҳақида қисқача маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Купратли ўтаўтказгичларда заряд узатилиши”** деб номланган биринчи бобида адабиётларда эълон қилинган тадқиқот натижалар шарҳи берилган бўлиб, зарядларнинг узатилиши ва псевдотирқиш фазаларининг келиб чиқиши, шунингдек, заряд ташувчиларнинг ҳаракатчанлиги, электр ўтказувчанлиги ва S–I–N контактларининг спектрларини ўрганиш бўйича тадқиқот натижаларига оид мавжуд маълумотлар баён қилинган. Илмий адабиётларда эълон қилинган ишлар таҳлили асосида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари аниқланган.

Диссертациянинг **“Купратларда заряд ташувчиларнинг ҳаракатчанлиги”** деб номланган иккинчи бобида БКШ-симон ҳамда поляронли псевдотирқишларнинг ҳосил бўлишида ва ЮХЎЎ купратлардаги ташувчи ҳаракатчанлиги учун полярон эффектларининг аҳамияти кўриб чиқилган. Жумладан, T_c дан юқорида купратли ўтаўтказгичларнинг CuO_2 текислигида катта поляронларнинг купер жуфтлашишлари ва акустик ҳамда оптик панжара тебранишларида ташувчиларнинг сочилиши қандай содир бўлади деган савол кўриб чиқилган. Релаксация вақти яқинлашишида тегишли Больцман транспорт тенгламаларидан фойдаланилган ҳолда ташувчиларнинг ҳаракатчанлиги T^* дан юқорида ва пастда ҳисобланиб, микдорий ҳисоб-китобларнинг натижалари келтирилган.

Купратларнинг ғалаёнланиш спектрида катта поляронларнинг ғалаёнланиш энергияси полярон псевдотирқиши сифатида намоён бўлади. Катта поляронларнинг диссоциацияси баъзи критик легирлаш дарижаси ($p = p_c$)да содир бўлади. Бундай ҳолда, полярон псевдотирқиши қуйидаги

формула асосида ҳисобланади (Dzhumanov S. Solid State Commun., 115, 155 (2000)):

$$\Delta_p = E_p - E_c \quad (1)$$

бу ерда E_p - поляронларнинг боғланиш энергияси; $E_c = e^2/\varepsilon_0 a_p$ иккита катта поляронлар орасидаги кулон ўзаротаъсир энергияси; $a_p = (3/4\pi n_p)^{1/3}$ ушбу поляронлар орасидаги ўртача масофа.

Ўзаротаъсирлашувчи поляронлар тизимига БКШга ўхшаш формализмни қўллаш орқали ҳамда поляронлар орасида Боголюбов ўзаротаъсир модел (у ҳам тортишиш, ҳам итаришиш қисмларга эга) потенциалидан фойдаланилган ҳолда, поляронларнинг жуфтлашиш температураси T^* ва жуфтлашиш псевдотирқишини аниқлаш учун қуйидаги БКШ-симон тенглама олинган:

$$\frac{1}{\lambda^p} = \int_0^{\varepsilon_A} \frac{d\xi}{\sqrt{\xi^2 + \Delta^2(T)}} \tanh \frac{\sqrt{\xi^2 + \Delta^2(T)}}{2k_B T}, \quad (2)$$

бу ерда $\lambda^p = D_p(\varepsilon_F) \tilde{V}^p$ - БКШ-га ўхшаш электрон-фононнинг ўзаротаъсир боғланиш доимийси; $D_p(\varepsilon_F)$ - поляронларнинг Ферми сатҳидаги ҳолатлар зичлиги; $\tilde{V}^p = V_{ph} - \tilde{V}_c$ - полярон-полярон ўзаротаъсир эффектив потенциали; $\tilde{V}_c = V_c/[1 + D_p(\varepsilon_F)V_c \ln(\varepsilon_c/\varepsilon_A)]$ - икки полярон орасидаги экранланган кулон ўзаротаъсири.

Бундан ташқари, Больцман тенгласидан ва батафсил мувозанат принциpidан полярон ташувчиларининг акустик ва оптик фононларда сочилишидаги релаксация вақти қуйидаги ифодалар билан аниқланади:

$$\tau_{ac}(\varepsilon, T) = \frac{\pi \hbar^4 \rho_M v_s^2}{\sqrt{2} E_d^2 m_p^{3/2} k_B T \sqrt{\varepsilon}}, \text{ ва } \tau_{op}(T) = \frac{4\sqrt{2} \pi \tilde{\varepsilon} (\hbar \omega_{01})^{3/2}}{\omega_{01}^2 e^2 \sqrt{m_p}} \exp \left[\frac{\hbar \omega_{01}}{k_B T} \right]. \quad (3)$$

Полярон ташувчиларининг акустик ва оптик фононларда сочилишининг умумий эҳтимоллиги, иккита мумкин бўлган сочилиш эҳтимолликларнинг йиғиндиси билан аниқланади. Жумладан, T^* дан юқорида полярон ташувчиларининг умумий релаксация вақти қуйидагича аниқланади

$$\frac{1}{\tau_p(\varepsilon, T)} = \frac{1}{\tau_{ac}(\varepsilon, T)} + \frac{1}{\tau_{op}(T)} \quad (4)$$

бу ерда $\varepsilon = \hbar^2 k^2 / 2m_p$ -полярон энергияси; $\tau_{ac}(\varepsilon, T) = \frac{A_p}{t\sqrt{\varepsilon}}$; $A_p = \frac{\pi \hbar^4 \rho_M v_s^2}{E_d^2 \sqrt{2} m_p^{3/2} k_B T^*}$; ρ_M - материал зичлиги; $\tau_{op}(T) = B_p \exp \left[\frac{\hbar \omega_{01}}{k_B T^* t} \right]$; $t = T/T^*$, $B_p = \frac{4\sqrt{2} \pi \tilde{\varepsilon} (\hbar \omega_{01})^{3/2}}{\omega_{01}^2 e^2 \sqrt{m_p}}$.

T^* дан пастда, Ферми юзаси яқинида ε_c кенгликдаги энергетик қатламида полярон ташувчилари БКШга ўхшаш жуфтлашишда иштирок

этади ва CuO_2 қатламларида купер жуфтларини ҳосил қилади. Бунда катта поляронларнинг релаксация вақтини уларнинг БКШга ўхшаш жуфтлашганида қуйидаги ифода билан аниқланади

$$\tau_{BCS}(\varepsilon, T) = \frac{E(\mathbf{k})}{|\xi(\mathbf{k})|} \tau_p(\varepsilon, T), \quad (5)$$

бу ерда $E(\mathbf{k}) = \sqrt{\xi^2(\mathbf{k}) + \Delta^2(\mathbf{k})}$ - жуфтлашган квазизарраларнинг БКШ-симон псевдотирқиш ҳолатидаги ғалаёнланиш энергияси, $\xi(\mathbf{k}) = \varepsilon(\mathbf{k}) - \mu$, μ - полярон Ферми-газининг химик потенциали. Шунинг учун, T^* дан пастда полярон купер жуфтларини $\mu_B = 0$ химик потенциалли идеал бозе-газ сифатида қарашимиз мумкин. Тахмин қилиш мумкинки, полярон купер жуфтлари махсус (яъни характерли) $\omega_0 = \omega_{02}$ га эга бўлган оптик фононларда самарали сочилади ва T^* дан пастда бундай бозон ташувчиларнинг релаксация вақтини қуйидаги ифода билан аниқланади

$$\tau_{op}^c(t < 1) = \frac{4\sqrt{2}\pi\tilde{\varepsilon}(\hbar\omega_{02})^{3/2}}{(\omega_{02})^2(2e)^2\sqrt{m_B}} \exp\left[\frac{\hbar\omega_{02}}{k_B T^* t}\right]. \quad (6)$$

T^* дан пастда, акустик и оптик фононларда сочилувчи нокогерент купер жуфтларининг релаксация вақти қуйидаги ифодадан аниқланади

$$\tau_B(\varepsilon, T) = \frac{\tau_{ac}^c(\varepsilon, T)\tau_{op}^c(T)}{\tau_{ac}^c(\varepsilon, T) + \tau_{op}^c(T)}, \quad (7)$$


бу ерда $\tau_{ac}^c(\varepsilon, T) = \frac{\pi\hbar^4\rho_M v_s^2}{E_d^2\sqrt{2}m_B^{3/2}k_B T^* t\sqrt{\varepsilon}}$, ва $m_B = 2m_p$ -полярон купер жуфтларининг массаси.

Полярон ташувчиларнинг ҳамда бозон купер жуфтларининг релаксация вақтини билиш бизга T_c дан юқорида купратли ЮХЎЎ CuO_2 қатламларидаги ушбу ташувчиларнинг ҳаракатчанлигини ҳисоблаш имконини беради. У ҳолда анизотроп купратли ўтаўтказгичда полярон ташувчиларнинг ҳамда бозон купер жуфтларининг ҳаракатчанликлари учун ифодаларни қуйидаги кўринишда олишимиз мумкин


$$\mu_p(\varepsilon, T) = \frac{e\tau_p(\varepsilon, T)}{m_p}, \quad \text{ва} \quad \mu_B(\varepsilon, T) = \frac{(2e)\tau_B(\varepsilon, T)}{m_B}. \quad (8)$$

1-расмда CuO_2 қатламларидаги БКШ-симон жуфтлашган поляронларнинг релаксация вақти τ_{BCS} , ҳарорат ва энергетик тирқиш Δ функцияси сифатида кўрсатилган. Ҳарорат ортиб бориши билан энергетик тирқиш Δ ва у билан боғлиқ равишда релаксация вақти τ_{BCS} камаяди, шу билан бирга Δ камайиши билан ҳам релаксация вақти камаяди. 2-расмда ўтаўтказувчан купратлардаги заряд ташувчилар ҳаракатчанлигининг (катта

полярон ва бозон купер жуфтларининг ҳаракатчанлиги) ҳароратга боғлиқлиги T^* да кескин пасайиши яққол кўрсатилган.



1-расм. Ўтаётказувчан купратларнинг CuO_2 қатламларидаги БКШ-симон жуфтлашган поляронларнинг релаксация вақти τ_{BCS} ҳарорат ва энергетик тирқиш Δ нинг функцияси сифатида



2-расм. Купратли ўтаётказгичлардаги псевдотирқиш ҳароратидан юқорида ва пастда заряд ташувчилар ҳаракатчанлигининг ҳароратга боғлиқлиги

Шуни таъкидлаш керак-ки, агар биз поляронлар ва бозон купер жуфтликлари фарқ қилувчи частоталари ω_{01} ва ω_{02} бўлган ҳар хил фононларда сочилади деб тахмин қилсак, купратларнинг псевдотирқиш ҳолатида заряд ташувчиларнинг аномал ҳарорат хусусияти табиий равишда заряд узатиш назарияси билан изоҳланади.

Диссертациянинг «Купратларнинг нормал ҳолатидаги текисликдаги солиштирма қаршилиги ва Холл коэффицентини назарий тушунтириш: Полярон ёндашуви» деб номланган учинчи бобида ЮХЎЎ купратларнинг нормал ҳолатида полярон модели доирасида ва заряд ташувчиларнинг икки компонентли картинани ҳисобга олган ҳолда прекурсив жуфтлашиш сценариясида текисликдаги электр ўтказувчанлик механизмлари, шунингдек, солиштирма қаршилиқ $\rho_{ab}(T)$ ҳамда Холл коэффиценти $R_H(T)$ нинг батафсил назарий муҳокамаси тақдим этилган. Бу ерда биз солиштирма қаршилиқ ва Холл коэффицентини ҳисоблаш учун релаксация вақти яқинлашишида Больцман тенгламалари ва кенгайтирилган БКШ-симон моделдан фойдаландик. Ҳар хил ЮХЎЎ купратларнинг $\rho_{ab}(T)$ и $R_H(T)$ учун олинган ҳисоблаш натижалари тажриба маълумотлари билан таққосланди. ЮХЎЎ тизимидаги заряд ташувчилар, радиуси бир неча панжара доимийсига тенг бўлган катта поляронларни ҳосил қилади. Анизотропик кўп ўлчамли электрон тизимларда катта поляронларнинг ҳосил бўлиши электрон (ёки ковак) ташувчиси ва панжара тугунларидаги ионлар ўртасидаги кулон ўзаротаъсирларга асосланган узоқтаъсирлашувчи электрон-

фонон ўзаротаъсирининг устунлиги билан боғлиқ. Бундай ҳолда, катта полярон улкан эффектив массаси билан панжара орқали жуда секин, аммо ион тебранишларига мувофиқ изчил равишда ҳаракатланади ва кучли электрон-фонон боғланиш юзага келади. Биз ушбу ёндашувни қабул қилдик, чунки бу табиийроқ ёки реалистик кўринади.

Шу муносабат билан, биз купратларнинг нормал ҳолатидаги электр ўтказувчанлигини, шунингдек, ҳароратга ҳамда легирлаш даражасига боғлиқ бўлган солиштирма қаршилик ва Холл коэффицентини ҳисоблаймиз. Релаксация вақти яқинлашишида Больцманнинг кинетик тенгламаларидан T^* дан юқорида CuO_2 қатламларидаги катта поляронларнинг ўтказувчанлиги учун қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$\sigma_1(t > 1) = \frac{ne^2 B_p e^{\alpha_p/t}}{m_{ab}(1 + c_p(t)\sqrt{\varepsilon_F})}. \quad (9)$$

Энди T^* дан пастдаги ўтказувчанликни қараймиз. T^* пастда купратли квази-2D ўтаўтказгичлардаги купер жуфтларининг ғалаёнланган полярон компонентлари ўтказувчанликга қўшган ҳиссаси релаксация вақти яқинлашишида қуйидаги ифода билан аниқланади

$$\sigma_p^*(t < 1) = \frac{ne^2}{3m_{ab}} \frac{\int_{-\varepsilon_c}^{\varepsilon_c} \tau_{BCS}(\xi + \mu)(\xi + \mu)^{3/2} \frac{\xi}{E} \left(1 + \frac{\xi}{E}\right) \left(-\frac{\partial f_p^*}{\partial E}\right) d\xi}{\int_0^\infty f_p(\varepsilon) \varepsilon^{1/2} d\varepsilon}. \quad (10)$$

Бу ерда $E = \sqrt{\xi^2 + \Delta^2}$. Энергетик тирқиш Δ ва характеристик ҳарорат T^* БКШ-симон тенглама (2) дан аниқланади.

Бундан кейин нормал ҳолатдаги купратлар ўтказувчанлигига полярон купер жуфтларининг қўшадиган ҳиссасини ҳисоблашимиз учун бундай купер жуфтларини бозе-зарралари сифатида кўриб чиқамиз. У ҳолда анизотропик ЮХЎЎ купратларидаги бозон купер жуфтларининг ўтказувчанлиги $\sigma_B(T < T^*)$, уларнинг акустик ва оптик фононларда сочилишида қуйидаги ифода кўринишда ёзиш мумкин

$$\begin{aligned} \sigma_B(t < 1) &= 0.19 \frac{m_B^{3/2} e^2}{M_{ab} \hbar^3} \int_0^\infty \tau_B(\varepsilon) \varepsilon^{3/2} \left(-\frac{\partial f_B}{\partial \varepsilon}\right) d\varepsilon \\ &= 0.19 \frac{m_B^{3/2} e^2}{M_{ab} \hbar^3} \frac{B_c e^{\alpha_c/t}}{k_B T^* t} \int_0^\infty \frac{\varepsilon^{3/2} e^{\varepsilon/k_B T^* t}}{(e^{\varepsilon/k_B T^* t} - 1)^2 (1 + \beta_c(t)\sqrt{\varepsilon})} d\varepsilon, \end{aligned} \quad (11)$$

бу ерда $m_B = (M_{ab}^2 M_c)^{1/3}$ қатламли купратлардаги бозон купер жуфтларининг массаси; $M_{ab} = 2m_{ab}$ ва $M_c = 2m_c$ мос ҳолда ab -текисликдаги

ва c -ўқи бўйича полярон купер жуфтларининг массалари, $\beta_c(t) = B_c t e^{\alpha_c/t} / A_c$, $\alpha_c = \hbar\omega_{02}/k_B T^*$.

T^* дан пастда CuO_2 қатламларидаги купер жуфтларининг ғалаёнланган полярон компонентлари ҳамда бозон купер жуфтларининг натижавий ўтказувчанлиги қуйидаги ифодадан аниқланади

$$\sigma_2(t < 1) = \sigma_p^*(t < 1) + \sigma_B(t < 1). \quad (12)$$

Тенглама (9) бизга ЮХЎЎнинг CuO_2 қатламларидаги солиштирма қаршилиқ $\rho_{ab}(T > T^*) = \rho_0 + 1/\sigma_1(T > T^*)$ ни ҳисоблаш имконини беради, бу ерда ρ_0 - ЮХЎЎ намуналардаги тартибсизлик ёки тахминий киришмалар туфайли юзага келувчи қолдиқ қаршилиқ.

Бундан кейин (10) ва (11) тенгламаларни сонли интеграллаш орқали $\rho_{ab}(T < T^*) = \rho_0 + 1/\sigma_2(T < T^*)$ ни ҳисоблаш учун тенглама (2)нинг ечимидан фойдаланамиз. Купратли ўтаўтказгичлар жуда мураккаб ва кўпгина ички параметрлар билан характерланади. Кўриниб турибдики, купратларнинг кам параметрларидан фойдаланилган минимал модел, ҳақиқий реал физик картинани, айниқса, номутаносиб юқори ҳароратли купратларда $\rho_{ab}(T)$ даги кўпгина муҳим хусусиятларни такрорлай олмайди.


1-жадвал

$\rho_{ab}(T)$ бўйича тажриба маълумотларига таққослаш натижасида аниқланган T_c , n , T^* , λ^p ва ρ_0 ларнинг қийматлари


Намуна	T_c (K)	$n \times 10^{21}$ (cm^{-3})	T^* (K)	λ^p	ρ_0 ($m\Omega \text{ cm}$)
$\text{La}_{1.48}\text{Nd}_{0.40}\text{Sr}_{0.12}\text{CuO}_4$	10	0.60	75	0.483	0.093
$\text{La}_{1.90}\text{Ba}_{0.10}\text{CuO}_4$	30	0.60	43	0.428	0.080
$\text{La}_{1.89}\text{Ba}_{0.11}\text{CuO}_4$	21	0.65	52	0.416	0.100
$\text{YBa}_2\text{Cu}_3\text{O}_{6.72}$	68	1.00	160	0.546	0.018
$\text{YBa}_2\text{Cu}_3\text{O}_{6.81}$	87	1.15	140	0.521	0.020
$\text{YBa}_2\text{Cu}_3\text{O}_{6.95}$	91	1.35	120	0.473	0.016
$\text{Y}_{0.90}\text{Ca}_{0.10}\text{Ba}_2\text{Cu}_3\text{O}_{7-\delta}$	80	1.20	140	0.447	0.200
$\text{Bi}_2\text{Sr}_2\text{Ca}_{0.92}\text{Y}_{0.08}\text{Cu}_2\text{O}_8$	64	0.67	190	0.579	0.280
$\text{CuBa}_2\text{Ca}_3\text{Cu}_3\text{O}_y$	69	0.85	113	0.508	0.008

$\sigma_1(t > 1)$, $\sigma_p^*(t < 1)$ ва $\sigma_B(t < 1)$ учун олинган ифодалар полярон ёндашуви доирасида тақлиф қилинган моделнинг ўзига хос параметрларидан фойдаланган ҳолда (1-жадвал) T_c дан юқорида турли ЮХЎЎ-купратларнинг ab -текислигидаги ўлчанган солиштирма қаршилиққа таққослашимизга имкон беради. Легирилган купратлар учун ρ_M , v_s , ε_0 , ε_∞ ва $\hbar\omega_0$ нинг тажрибавий


кийматлари $\rho_M \simeq (4 - 7) \text{ г/см}^3$, $v_s \simeq (4 - 7) \times 10^5 \text{ см/сек}$, $\varepsilon_0 \simeq 22 - 50$, $\varepsilon_\infty \simeq 3 - 7$ ва $\hbar\omega_0 \simeq 0.03 - 0.08 \text{ эВ}$ чегараларда ётади. Кам легирланган ЮХЎЎ купратларнинг тахминий наъмуналари учун $T^* = 170 \text{ К}$ ($\lambda^p = 0.585$) билан БКШ-симон псевдотирқиш эффектени намоиш этиш учун 3-расмда бизнинг ҳисоб-китобларимиз натижалари келтирилган. 4-расмда солиштира қаршилиқ ρ_{ab} ҳароратнинг функцияси сифатида ҳисобланган, шу билан бирга, кам ва оптимал легирланган купратлар $\text{YBa}_2\text{Cu}_3\text{O}_{7-\delta}$ намуналари учун олинган яхши маълум бўлган тажриба натижалари (A. Carrington *et al.*, Phys. Rev. B 48, 13051 (1993)) билан таққосланган ҳолда берилган. 4-расмда келтирилган тажриба маълумотларини ўрганиш шуни кўрсатадики, $\text{YBa}_2\text{Cu}_3\text{O}_{6.72}$, $\text{YBa}_2\text{Cu}_3\text{O}_{6.81}$, ва $\text{YBa}_2\text{Cu}_3\text{O}_{6.95}$ боғланишларда $\rho_{ab}(T)$ нинг чизиклиликдан пастга оғиши мос равишда псевдотирқиш ҳароратлари $T^* = 160 \text{ К}$ ($\lambda^p = 0.6$ учун) 140 К ($\lambda^p = 0.57$ учун) ва 120 К ($\lambda^p = 0.5$ учун) дан пастда рўй беради. Бундан кейин, 5-расмда тажриба маълумотларига таққослаш натижалари ҳар хил ЮХЎЎ намуналари учун турли легирлаш даражаларида келтирилган. $\rho_{ab}(T)$ нинг тажриба маълумотлари $\text{Bi}_2\text{Sr}_2\text{Ca}_{0.92}\text{Y}_{0.08}\text{Cu}_2\text{O}_8$, (псевдотирқиш ҳарорати $T^* = 190 \text{ К}$ ($\lambda^p = 0.579$)) учун таққослашнинг бошқа натижалари 6-расмда келтирилган. 7–9-расмларда турли купратларда ҳар хил легирлаш даражаларидаги солиштира қаршилиқнинг номонотон ҳароратга боғлиқлиги бўйича бизнинг сонли натижаларимиз мавжуд тажриба маълумотлари билан бир қаторда келтирилган.




3-расм. Икки хил кам легирланган купратларнинг намуналари учун ρ_{ab} нинг ҳароратга боғлиқлиги ҳар хил псевдотирқиш очилиш ҳарорати билан ҳисобланган. T^* дан пастда $\rho_{ab}(T)$ чизикли боғлиқлик (чизиклилик)дан пастга (чизик 1) ёки тепага (чизик 1) оғади




4-расм. $\rho_{ab}(T)$ учун ҳисобланган натижаларни (узлуксиз чизиклар) Каррингтон ва бошқалар (A. Carrington *et al.*, Phys. Rev. B 48, 13051 (1993)) томонидан $\text{YBa}_2\text{Cu}_3\text{O}_{6.72}$, $\text{YBa}_2\text{Cu}_3\text{O}_{6.81}$ ва $\text{YBa}_2\text{Cu}_3\text{O}_{6.95}$ купратлар учун олинган тажриба маълумотлари (белгилар), билан таққослаш




5-расм. $\rho_{ab}(T)$ учун бизнинг модел (узлуксиз чизиклар) ни купратларнинг иккита ҳар хил намуналари учун Маккензи ва бошқалар (A.P. Mackenzie *et al.*, Phys. Rev. B 53, 5848 (1996)) томонидан олинган тажриба маълумотлари (тўлдирилган доиралар) билан таққосланган



6-расм. $\rho_{ab}(T)$ нинг Bi₂Sr₂Ca_{0.92}Y_{0.08}Cu₂O₈ учун тажриба маълумотлари (тўлдирилган доиралар) (K.Q. Ruan *et al.*, Physica C 351, 402 (2001)) ишда берилган ва тегишли таққослашлар (узлуксиз чизик)




7-расм. CuBa₂Ca₃Cu₃O_y ($x = 0.9$ бўлган таркибида AgO қўшилиши билан) ўтаётказгич учун тажриба маълумотлари (K. Tokiwa *et al.*, Physica C 298, 209 (1998)) (тўлдирилган доиралар) билан таққослаш бўйича ҳисобланган ρ_{ab} нинг ҳароратга боғлиқлиги (узлуксиз чизик)



8-расм. Кам легирланган La_{1.48}Nd_{0.40}Sr_{0.12}CuO₄ учун $\rho_{ab}(T)$ нинг тажриба маълумотлари (S. Uchida, Physica C 341–348, 823 (2000)) (тўлдирилган доиралар) ҳамда тегишли назарий таққослаш натижалари (узлуксиз чизик)

Биз кўпгина ЮХЎЎ купратларнинг намуналарида маълум бўлган $\rho_{ab}(T)$ нинг номонотон хусусияти (T^* да ва ундан пастда $\rho_{ab}(T)$ даги мос равишда сакраш- ва чўққи-симон аномалиялар), натижавий ўтказувчанлик

$\sigma_2(t < 1)$ га қўшадиган рақабатдош ҳиссалар (яъни T^* дан пастда кескин камаювчи жуфтлашмаган купер жуфтлари компонентларининг ҳиссаси ва T^* дан пастда тез ўсиб боровчи бозон купер жуфтларининг ҳиссаси) билан бевосита боғлиқ деб тахмин қиламиз.



9-расм. Намуналари $x = 0.10, 0.11$ бўлган кам легирланган $\text{La}_{2-x}\text{Ba}_x\text{CuO}_4$ учун $\rho_{ab}(T)$ нинг тажриба маълумотлари (Ҳ. Koike, Т. Adachi, Physica C 481, 115 (2012)) (тўлдирилган доиралар) ва тегишли назарий таққослашлар (узлуксиз чизиклар)

7–9-расмлар псевдотирқиш режимида солиштирма қаршилиқнинг хусусияти таққослаш параметрлар $\hbar\omega_{01}$ ва $\hbar\omega_{02}$ нинг ўзгаришига айниқса сезгир эканлигини аниқ кўрсатиб турибди. Жумладан, $\omega_{02} \gtrsim \omega_{01}$ бўлганда купратларда T^* дан пастда солиштирма қаршилиқнинг юқори ҳароратли T -чизиқли хусусиятидан юқorigа оғиши рўй беради ва баъзан T_c билан T^* оралиғида солиштирма қаршилиқнинг юқори чўққиси кузатилади. Бошқа тизимларда эса T^* дан пастда $\hbar\omega_{01}$ билан $\hbar\omega_{02}$ нинг етарлича катта қийматларини солиштирганда солиштирма қаршилиқнинг T -чизиқли резистив хусусиятларидан пастга оғиш содир бўлади.

Сўнгра 3.3 бўлимда биз легирланган купратларнинг ab -текислигидаги Холл коэффиценти (R_H) ни ўргандик. Ҳароратга номонотон боғлиқ бўлган Холл коэффиценти $R_H(T)$ ни ҳисоблаш учун биз Больцман тенгламаларини ечиш орқали олинган ўтказувчанлик формулаларидан фойдаланамиз. Ғалаёнланган поляронлар ва бозон купер жуфтларининг икки компонентли тизими учун Холл коэффиценти қуйидагича аниқланади


$$R_H(T) = \frac{(\sigma_1 + \sigma_2) + \sigma_1\sigma_2 (\sigma_1 R_p^2 + \sigma_2 R_B^2) H^2}{(\sigma_1 + \sigma_2)^2 + \sigma_1^2\sigma_2^2 (R_p + R_B)^2 H^2}, \quad (13)$$

Больцманнинг транспорт назариясига асосланиб, заиф магнит майдон чегарасида, икки компонентли модел учун $R_H(T)$ нинг тенгламаси қуйидагича соддалаштирилиши мумкин


$$R_H(T) = \frac{\sigma_1^2 R_p + \sigma_2^2 R_B}{(\sigma_1 + \sigma_2)^2}, \quad (14)$$

бу ерда R_p и R_B мос холда, полярон ташувчилари ва бозон купер жуфтлари учун Холл доимийлари.

Шуни таъкидлаш керак-ки, Холл коэффицентининг ҳароратга боғлиқлик функцияси сифатидаги хусусияти, нормал ҳолатдаги купратли ўтаётказгичларнинг энг қизиқарли ва қарама-қарши хусусиятларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу ерда биз нормал ҳолатдаги квази-икки ўлчовли ўтаётказгичларнинг CuO_2 қатламларида турли легирлаш даражаларида Холл коэффицентининг ҳароратга турли боғлиқликларини етарлича ва изчил тасвирлаб бера оладиган заряд транспортининг икки компонентли модели (масалан, ғалаёнланган полярон компонентлари ва бозон купер жуфтлари) учун Друде-симон картинани кўрсатамиз. 10-расмда турли легирлаш даражаларида $\sigma_1(t > 1)$ ва $\sigma_2(t < 1)$ ни олиш йўли билан ҳисобланган икки компонентли моделдан фойдаланган ҳолда Холл коэффицентининг ҳароратга боғлиқлиги кўрсатилган. 4-расмда кўрсатилган солиштира қаршиликларга мос келадиган ab -текисликдаги ҳисобланган Холл коэффиценти 11-расмда келтирилган. 11-расмдаги барча $R_H(T)$ нинг хусусиятларидан бири бу нормал ҳолатда легирлаш даражаси ўсиши билан юқорироқ ҳароратга силжиб ва кенгайиб борадиган R_H нинг максимал кўрсаткичидир.




10-расм. Такдим этилган етгита легирлаш даражаси учун бизнинг модел бўйича ҳисобланган нормал ҳолатдаги Холл коэффицентининг ҳароратга боғлиқлиги




11-расм. Легирланган $\text{YBa}_2\text{Cu}_3\text{O}_{7-\delta}$ учун $R_H(T)$ (узлуксиз чизиклар) ни тажриба маълумотлари (барча белгилар) (A. Carrington *et al.*, Phys. Rev. B 48, 13051 (1993)) билан таққослаш

12-расмда, ҳароратнинг функцияси сифатида бизнинг ҳисобланган R_H ни $\text{GdBa}_2\text{Cu}_3\text{O}_{7-\delta}$ юпқа қатламлар учун Матти ва бошқалар (D. Matthey *et al.*, Phys. Rev. B 64, 024513 (2001)) такдим этган тажриба маълумотлари билан таққосланган. Эгри чизиклар мос равишда легирлаш даражалари $p = 0.10$, 0.12 ва 0.16 ҳамда критик ҳароратлари 84.6 K , 62.7 K ва 53.1 K бўлган

катламларга мос келади. 12-расмдан таъкидлаш мумкинки, нормал ҳолатдаги R_H нинг максимал қиймати ҳар бир эгри чизиқ учун тахминан 100 К атрофида юз беради ва T_c билан боғлиқ эмасга ўхшайди. 12-расмда T_c нинг турли қийматлари учун Холл коэффиценти бўйича ўлчанган ва ҳисобланган натижалар кўрсатилган. $R_H(T)$ нинг тажриба маълумотлари мос равишда $T_c = 81$ К учун (Y. Kubo *et al.*, Phys. Rev. B 43, 7875 (1991)) да ўлчанган поликристалл намуналар учун берилган, $T_c = 50$ К учун маълумотлар (T. Manako *et al.*, Phys. Rev. B 46, 11019 (1992)) дан олинган ва $T_c = 50$ К учун маълумотлар эса (N.E. Hussey *et al.*, Phys. Rev. Lett. 76, 122 (1996)) дан олинган.



12-расм. $GdBa_2Cu_3O_{7-\delta}$ учун
Матти ва бошқалар томонидан
берилган (D. Matthey *et al.*, Phys.
Rev. B 64, 024513 (2001)) $R_H(T)$
бўйича тажриба маълумотлари
(барча белгилар) ва тегишли
назарий таққослашлар (узлуксиз
чизиқлар)



13-расм. Бир неча турли T_c
учун Холл коэффиценти
хароратга боғлиқлиги. Тажриба
маълумотлари (барча белгилар) ва
тегишли назарий таққослашлар
(узлуксиз чизиқлар)

Диссертациянинг «Купратли ўтаўтказгичларнинг туннель спектрларида полярон ва кўптирқишли эффектлар» деб номланган тўртинчи боби полярон ёндашувидан фойдаланган ҳолда ЮХЎЎ туннель характеристикаларининг асосий хусусиятлари ва кўптирқишли (яъни тирқишнинг номутаносиблиги) табиатини ўрганишга бағишланган. Бу ерда биз, қўйиладиган манфий ($V < 0$) ва мусбат ($V > 0$) кучланишларда S–I–N контактлари орқали заряд ташувчиларни туннеллашнинг турли механизмлари ҳамда энергетик тирқишнинг номутаносиблигига асосланган квазизарралар туннелланишининг янги ва янада мос келадиган моделини таклиф қилганмиз.

Энди $V < 0$ ва $V > 0$ да SIN контакти орқали квазизарраларнинг туннель ўтишида икки махсус механизмларни тушунтирадиган моделни қараймиз. Биринчи механизм, манфий кучланиш берилганда диссоциацияланаётган катта полярон ва полярон купер жуфтларининг юқори ҳароратли ўтаўтказгичдан нормал металга ўтиш ($S \rightarrow N$) жараёнларини

тушунтиради. Бу S–I–N деб аталувчи туннель ўтиш $|eV| > \Delta$ (eV - иккита контактнинг Ферми энергиялари фарқини характерлайди) бўлганда рўй беради. $|eV| > \Delta$ бўлганда катта поляронларнинг диссоциацияланиши юз беради ва заряд ташувчилар полярон ўрадан қутулиб (яъни полярон ўрани ташлаб чикиб) юқори ҳароратли ўтаётказгичнинг квазиэркин ҳолатидан нормал металнинг эркин ҳолатига туннелланиши мумкин. Бундай S→N ўтиш туннель токига қўшимча хисса беради. Бошқа механизм эса мусбат кучланиш берилганда (бу вақтда поляронларнинг диссоциацияси натижасида пайдо бўладиган квазиэркин ҳолатлар мавжуд бўлмайди) электронларнинг нормал металдан юқори ҳароратли ўтаётказгичнинг БКШ-симон квазизарра ҳолатига туннель ўтиш жараёнини тушунтиради. Юқорида айтиб ўтилган икки механизмларда, $V < 0$ ва $V > 0$ бўлганда S–I–N контакти орқали ўтаётган туннель токи БКШ ҳолат зичлиги $D_{BCS}(E, \Delta)$ ва квазиэркин ҳолат зичлиги $D_f(E, \Delta_p)$ га пропорционал бўлади.

Шундай қилиб, мусбат кучланиш берилганда туннель токи нормаль металдан юқори ҳароратли ўтаётказгичга оқса дифференциаль ўтказувчанликнинг ифодасини қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин

$$dI_{N \rightarrow S}/dV = G(\varepsilon_F)[A_1(\Delta_T, a_V) + A_2(\Delta_T, a_V)], \quad (15)$$

$$\text{бу ерда } A_1(\Delta_T, a_V) = \int_{\Delta_T}^{\infty} \frac{y e^{-y-a_V}}{\sqrt{y^2 - \Delta_T^2 (e^{-y-a_V} + 1)^2}} dy;$$

$$A_2(\Delta_T, a_V) = \int_{\Delta_T}^{\infty} \frac{y e^{y-a_V}}{\sqrt{y^2 - \Delta_T^2 (e^{y-a_V} + 1)^2}} dy; y = \varepsilon/k_B T; \Delta_T = \Delta/k_B T; a_V = eV/k_B T.$$

Манфий кучланиш берилганда, иккита хар хил туннель жараёнлари ёки тоқлари, яъни полярон купер жуфтларининг ва катта поляронларнинг диссоциацияланиши умумий туннель токга хисса беради. Шундай қилиб, натижавий туннель ток юқори ҳароратли ўтаётказгичдан нормаль металга оқса дифференциаль ўтказувчанлик қуйидагига тенг бўлади

$$\begin{aligned} \frac{dI_{S \rightarrow N}}{dV} = G \{ & A_1(\Delta_T, -a_V) + A_2(\Delta_T, -a_V) \\ & + a_F(T)[B_1(\Delta_p^*, a_V) + B_2(\Delta_p^*, a_V)] \}, \end{aligned} \quad (16)$$

$$\text{бу ерда } \varepsilon = E - eV; B_1(\Delta_p^*, a_V) = \int_{\Delta_p^*}^{\infty} \sqrt{|y| - \Delta_p^*} \frac{e^{y+a_V}}{(e^{y+a_V} + 1)^2} dy; \Delta_p^* = \Delta_p/k_B T;$$

$$B_2(\Delta_p^*, a_V) = \int_{\Delta_p^*}^{\infty} \sqrt{|y| - \Delta_p^*} \frac{e^{-y+a_V}}{(e^{-y+a_V} + 1)^2} dy.$$

Сўнгра биз 4.2 бўлимда S–I–N контактлари орқали квазизарраларнинг туннелланиши учун кўптирқишли моделни таклиф қилдик. Купратларнинг номуносивлик, уларнинг легирланиши натижасида юзага келади. Бу номуносивлик эса ЮХЎЎдан нормал металга ва аксинча нормал металдан ЮХЎЎга квазизарраларнинг туннел ўтиш физикасида яққол номоён бўлади. Шу сабабли номуносив ЮХЎЎ-купратлар жуда турли асимметрик ва ҳар

